

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

157 Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши депутати-
нинг йўловчилар транспортида бепул юриши ҳамда
транспорт ташкилотлари билан шу билан боғлиқ ҳисоб-китоб-
ларни амалга ошириш тартиби ва шартлари тўғрисидаги ни-
зомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 15 июлдаги ПҚ-2003-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкама-си **қарор қилади:**

1. Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши депутатининг йўловчи-лар транспортида бепул юриши ҳамда транспорт ташкилотлари билан шу билан боғлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби ва шартлари тўғри-сидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-публикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 2 апрель,
78-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 2 апрелдаги 78-сон қарорига
ИЛОВА

**Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши депутатининг
йўловчилар транспортида бепул юриши ҳамда транспорт
ташкилотлари билан шу билан боғлиқ ҳисоб-китобларни
амалга ошириш тартиби ва шартлари тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши депутати-га йўловчилар транспортида бепул юриш хизмати кўрсатиш тартибини, шунинг-дек ушбу Низомга мувофиқ бажарилган ташувлар учун транспорт ташки-лотлари билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

2. Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши депутати ўзи депутат бўлган тегишли вилоят, туман ҳудудида йўловчилар транспортида (такси ва шаҳар йўловчилар транспортдан ташқари) бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланади.

3. Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши депутати бепул чиптани расмийлаштириш учун белгиланган намунадаги депутат гувоҳномасини кўрсатиши шарт. Гувоҳнома чиптани олиш пайтида ҳам, депутатни транспортда олиб юриш вақтида ҳам ҳақиқий бўлиши керак. Амал қилиш муддати ўтган гувоҳнома асосида бепул чипталарни расмийлаштиришга ва транспортда олиб юриш хизматлари кўрсатишга йўл қўйилмайди.

4. Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши депутати темир йўл вокзаллари ва станциялари, автовокзаллар (автостанциялар) ёки транспорт ташкилотлари ваколатли агентликларининг чипта кассаларида депутат гувоҳномасини кўрсатган тақдирда муайян рейсга чиптани ўз номига навбатдан ташқари расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

5. Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши депутатини транспортда бепул олиб юриш Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг ва вилоятлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари (молия йили бошидаги бўш қолдиқлар, даромадлар прогнозини ошириб бажариш маблағлари, тежаш натижасида бўшаб қолган бюджет маблағлари) ҳисобига амалга оширилади.

II. Депутатнинг темир йўл транспортида бепул юриши тартиби ва шартлари

6. Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши депутатига «Ўзтемирйўл-йўловчи» очик акциядорлик жамиятининг чипта кассаларида (транспортда юриш ҳужжатларини олдиндан сотиш агентликларида) депутатнинг айна бир вақтда депутатлик гувоҳномаси ва унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати — паспорти кўрсатилган тақдирда хизмат кўрсатилади.

7. Тегишли вилоят, туман ҳудудида шаҳар атрофида қатновчи темир йўл транспортида юриш ҳужжатини (чиптасини) расмийлаштиришда депутатнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, унинг гувоҳномаси тартиб рақами, минтақа коди шаҳар атрофида юриш чиптаси корешогининг орқа томонида кўрсатилади.

8. «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг «Ўзтемирйўл-йўловчи» очик акциядорлик жамияти ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 5-кунидан кечикмай Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларига олдинги ойдаги бажарилган ташувлар бўйича счё-фактурани, ташувларнинг жами суммасини кўрсатган ва транспортда юриш ҳужжатлари нусхаларини илова қилган ҳолда тақдим этади.

9. «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг «Ўзтемирйўл-йўловчи» очик акциядорлик жамияти харажатларини қоплаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари қарорлари бўйича, ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган манбалар ҳисобига

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

III. Депутатнинг йўловчилар автомобиль транспортида бепул юриши тартиби ва шартлари

10. Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши депутати тегишли вилоят ва туман ҳудуди доирасида автовокзаллар (автостанциялар) кассаларида депутат гувоҳномасини ва ушбу Низомга иловага мувофиқ белгиланган намунадаги автомобиль транспортида бепул юриш учун бир марталик талонни (кейинги ўринларда бир марталик талон деб аталади) кўрсатган ҳолда транспортда юриш чиптасини навбатдан ташқари олиш ҳуқуқига эга.

11. Сўралаётган рейсга бўш ўринлар мавжуд бўлмаган тақдирда халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши депутати кейинги рейсда жўнатилиши керак.

12. Автовокзал (автостанция) кассири кўрсатилган депутат гувоҳномаси асосида бир марталик талонга депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исмини, гувоҳномасининг тартиб рақамини, қатнов зонасини, йўналишини, ташувчининг номини, автомобиль транспортида юриш қийматини, санасини, шунингдек ўзининг фамилияси, исми, отасининг исмини киритиши ҳамда келгусида автотранспорт ташкилотлари томонидан бажарилган ташувларнинг жами қийматини ҳисобга олиш учун ўз имзоси билан тасдиқлаши керак.

13. Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши депутатининг транспортда оралиқ тўхташ жойлари орқали юриши депутат гувоҳномасини ва бир марталик талонни кўрсатиш йўли билан амалга оширилади, бир марталик талонда олдиндан депутатнинг ўзи томонидан унинг фамилияси, исми, отасининг исми, депутат гувоҳномасининг тартиб рақами, қатнов зонаси, йўналиши, санаси кўрсатилади. Ҳайдовчи, депутат гувоҳномасини текшириб кўриб, бир марталик талонда ташувчининг номини, келгусида автотранспорт ташкилоти томонидан бажарилган ташувларнинг жами қийматини ҳисобга олиш учун автомобиль транспортида юриш қийматини кўрсатиши керак.

14. Бир марталик талонлар бланкалари халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши буюртманомаси бўйича тайёрланади ҳамда депутатларга хизмат заруриятига кўра берилади. Бир марталик талонлар бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади.

15. Белгиланган нормадан ортиқча олиб юриладиган багаж учун халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши депутатлари томонидан, стандарт намунадаги ҳисоб-китоб ҳужжати расмийлаштирган ҳолда, умумий асосларда ҳақ тўланади.

16. Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши депутатини транспортда олиб юриш учун ушбу Низомга мувофиқ олинган йўл чипталарини расмийлаштириш, қайтариб бериш ва қайта расмийлаштиришда кўрсатиб ўтилган хизматлар учун йиғимлар ундирилмайди.

17. Ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-кунидан кечикмай та-

шувчилар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларига олдинги ойда бажарилган ташувлар бўйича счёт-фактурани, жами чипталар қийматини кўрсатган ва бир марталик талонларни илова қилган ҳолда тақдим этадилар.

18. Ташувчиларнинг харажатларини қоплаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари қарорлари бўйича, ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган манбалар ҳисобига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

Халқ депутатлари вилоят ва туман
Кенгаши депутатининг йўловчилар транспор-
тида бепул юриши ҳамда транспорт ташки-
лотлари билан шу билан боғлиқ ҳисоб-
китобларни амалга ошириш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши
депутатининг йўловчилар автомобиль транспортида
бепул юриши учун бир марталик
ТАЛОН**

_____ депутатининг
(халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши)
йўловчилар автомобиль транспортида бепул юриши учун бир марталик талон
O‘zR AT № 0000000
Ф.И.О. _____
Депутат гувоҳномасининг № _____
Қатнов зонаси _____
Қатнов йўналиши _____
Ташувчининг номи _____
Транспортда юриш қиймати _____

Фойдаланиш санаси _____
Кассир (ҳайдовчи)нинг Ф.И.О. _____
Кассир (ҳайдовчи)нинг имзоси _____